



2007-йил, 28-феврал,
chorshanba,
8 (391)-сон.

Gazeta 1995-йil,
10-iyundan
chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

М И Л Л И Й Т И К Л А Н И Ш



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий, сиёсий, иqtisodiy gazetasi

Қарорни ўқиб

ИСЛОМ ҚАДРИЯТЛАРИГА ЭХТИРОМ

Ҳастимом. Халқда номи тилга олиनावериб дилга яқин бўлиб кетган ном. Меъморий мажмуанинг асли номи Ҳазрати Имом эканини мамлакатимиз Президентининг яқинда матбуотда эълон қилинган «Ҳазрати Имом» (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Қароридан кейин кўпчилик англаб етди. Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом мажмуаси нафақат юртимизда, балки мусулмон оламида ҳам табарруқ қадимки ҳисобланади. Қафол Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи Муборак мадрасалари, Тилла шайх ва Намозгоҳ масжидлари каби тарихий обидалар халқимиз томонидан муқаддас саналиб эътибор қозонган.

Хидоят ва раҳмат китоби Куръони Каримнинг энг қадимий ва мўтабар нусхаларидан бири — Усмон Куръони ҳам шу жойда — Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланади. Жаҳон олим уламуларининг эътиборини ўзига қаратиб келган ноёб кўлемлар ва босма китоблар билан ҳам шу кутубхонада танишиш мумкин. Бу мажмуа юртимизнинг ислом дини билан боғлиқ тарихидан, халқимиз ҳаётидаги мусулмон динига хос қоида ва арконлардан, қадимий анъана ва қадриятлардан, улғ аждодларимизнинг ислом тамаддуни ва маданиятига қўшган ҳиссасидан дарак бериб тургани билан ҳам аҳамиятлидир.

2007 йил — Тошкент тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган ислом тарихи кувончли воқеа содир бўлди. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилати — АЙ-СЕСКО томонидан шу йил Тошкент шаҳри «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилинди. Бу мақомат ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасига берилган муносиб баҳоқир. Ва мустақил Ватанимиз жаҳон миқёсида тобора эъзоз топаётганининг эътирофидир.

Ҳазрати Имом мажмуасидаму. Курилиш-таъмирлаш, қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини кўрган киши руҳаниб кетиши табиий. Минглаб курувчи-таъмирчилар худди умумхалқ ҳашарида ишлайётганга ўхшади. Президент таъбири билан айтганда, тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш — бу фақат тегишли маблағ ва куч-имконият топишдангина иборат эмас, балки биринчи галда жиддий илмий ёндашувни, нозик дид ва маҳоратни талаб қилади.

Ҳастимомга олиб борилган ишлар кўлами билан танишган киши, мамлакатимизда курилиш маданияти нақадар ривожланган замонавий даражага кўтарилганининг гувоҳи бўлади. Ҳадемай Ҳазрати Имом мажмуаси бетакор, гўзал қиёфадаги диний-маърифий марказга айланади.

Дилмурод ҚИРФИЗОВ,
"Миллий тикланиш"
муҳбири.

Раёсат йиғилиши

Совуққонликми ёки ишнинг кўзини билмаслик...

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Раёсатининг кенгайтирилган йиғилиши бошдан охиригача танқидий руҳда ўтди. Кун тартибиди битта масала — партия Марказий кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг 2006 йил мобайнидаги иқтисодий-молиявий фаолияти муҳокамага кўйилди.

Маълумки, Ҳисоб палатаси тафтишчилари томонидан партия учун давлат бюджетидан берилган маблағнинг мақсади сарфлашни текширилди, кўрсаткичлар, умуман олганда ижобий, яъни қонун бузилишларига йўл қўйилмаганлиги қайд этилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқин йиғилишида 2006 йилги сарф-харajatлар юзасидан республикамизда фаолият юритаётган бешта сиёсий партия раҳбарларининг, жумладан "Миллий тикланиш" партияси етакчисининг ҳисоботлари тингланди.

ФАОЛЛАР ТАШАБУСИ

ЎзМТДП Самарқанд туман кенгаши ташаббуси билан «Ўзбегим ўғлонлари — юртимиз посбонлари» номли кўриктанлов бўлиб ўтди.

Партиянинг Урганч шаҳар кенгаши томонидан «Жамият тараққиётида оналик ва болалик масаласи» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

ЎзМТДП Зомин туман кенгаши ташаббуси билан «Ёшлар фаолигини ошириш» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Партиянинг Наманган вилоят Янгиқўрғон туман кенгаши томонидан «Тил билганга кенг дунё» мавзусида учрашув ўтказилди.

ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали ҳамкорлигида «Сийёсат компаниялари олиб боришда имидж ва PR технологиялари» мавзусида ўқув ўтказилди.

Партиянинг Косон туман кенгаши ташаббуси билан «Ўзбекистон буюк ислохотлар йўлида» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЎзМТДП Тахиятош туман кенгаши томонидан «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» мавзусида учрашув ўтказилди.

Партиянинг Жиззах вилояти Зарбдор туман кенгаши ташаббуси билан «Миллий тикланиш — инсон тақдирини мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЎзМТДП Вобкент туман кенгаши томонидан «Миллий истиклол мафқураси ва ёшлар тарбияси» мавзусида тадбир ўтказилди.

Партиянинг Термиз туман кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори асосида йиғилиш бўлиб ўтди.

ЎзМТДП Ғузур туман кенгаши томонидан «Аёл — меҳр кўзгуси» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.



Ўртачирчилик Юлдуз Кўзибоева 33 йилдирки чеварлик билан шугулланиб келади. — Тикучиликдаги биринчи устозим онам Инобат ая бўладилар, — дейди у. — Бугун элликка яқин шогирдларим бор. Тикши-бичишга қизиққан ёшларга миллий либосларни тикиш, матога гул босиш, зардўзликдан сабоқ бераман. Туман хунармандлар уюшмасига аъзо бўлганимдан кейин Тошкент металл буюмлар заводи ва "Тонг" фабрикаси билан шартнома туздик. Улар билан ҳамкорликда касаначилик асосида ишлашни йўлга қўйганимиздан сўнг янги иш ўринлари очишга ҳам эришдик.

СУРАТДА: Юлдуз Кўзибоева шогирдлари билан.

Азамат АХМЕДОВ олган сурат.

Туман кенгашларида

ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ ЗАРУР

ЎзМТДП Кумқўрғон туман кенгашининг навбатдаги пленумида партия Марказий кенгашининг VII пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар кўриб чиқилди. Марказий кенгаш пленумида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида олиб борилаётган ишлар, ютуқ ва камчиликлар муҳокама қилинган эди.

Пленумда туман кенгашининг 2007 йил учун иш режаси муҳокама қилиниб, тасдиқланди. Баҳо-мунозара тарзида ўтган йиғилишда сўзга чиққанлар фаоллигини ошириш, бошланғич ташкилотлар сонини кўпайтириш зарурлигини таъкидлашди. Сурхондарё вилоят телевидениеси муҳаррири Меҳринисо Қодирова «Хотин-қизлар қаноти» раиси этиб сайланди. Шунингдек, йиғилишда партия сағифа янги қабул қилинган бир гуруҳ ёшларга аъзолик билетлари топширилди.

ЯНГИ ОВОЗЛАР КЎРИГИ

Партиянинг Кумқўрғон туман кенгаши маданият ва спорт ишлари бўлими билан ҳамкорликда «Янги овозлар» номли кўшиқчилар кўрик-танловини ўтказди. Танловнинг туман босқичида 15 нафар иштирокчи мақом, фольклор, эстрада йўналишлари бўйича беллашдилар.

Танлов якунига кўра, болалар мусиқа мактаби ўқувчиси Аҳмаджон Рихсиев, шаҳар маданият уйи хонандаси Исроимиддин Маҳмамов, 1-мактаб ўқувчиси Хусан Олимовлар голиб деб топилдилар. Улар ЎзМТДП туман кенгаши, туман маданият бўлими ҳамда бошқа ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари, фахрий ёрликлари билан тақдирланди.

Жуманазар АНОРОВ,
"Миллий тикланиш" муҳбири.

Бугунги кунда вилоятда спортнинг бадий гимнастика тури қандай ривожланмоқда? Узоқ овул ва қишлоқ туманларида-чи? Бу борадаги мавжуд муаммолар нималардан иборат?

НАВОЙДА ГИМНАСТИКАГА ЭЪТИБОР

Навоий вилояти ҳокимлиги, Республика Гимнастика федерацияси ва «Сен ёлғиз эмасан» жамғармаси ҳамкорлигида бўлиб ўтган тадбирда шу ва шу каби саволлар атрофида фикр юритилди.

Тадбирда вилоят гимнастика федерацияси вакиллари, туман ва шаҳар хотин-қизлар кўмиталари мутахассислари, мураббий-устозлар сўзга чиқиб, ўз олдларига қўйган мақсад ва вазифалар ҳамда бу борада ечимини қутаётган айрим муаммолар хусусида тақлиф ва фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шундан кейин Республика Гимнастика федерацияси вице-президенти, «Сен ёлғиз эмасан» жамғармаси вакили Ж.Эгамбердиев вилоятнинг узоқ туманлари ҳисобланган Томди, Кони-

мех, Нурота, Навбахор ва Кармана туманлари бадий гимнастикачиларига жамғарма совғаси ва мусиқа марказларини топширди.

Тадбирда Навбахор ва Томди туманларининг бадий гимнастика бўйича мураббийлари Зоҳида Эрдонова, Гулмира Жаббарова сўзга чиқиб, спортни ривожлантиришга берилаётган алоҳида эътибор ва ғам-хўрлик учун ҳукуматимизга мураббий-устозлар номидан миннатдорчилик билдирдилар.

Мазкур йиғилиш вилоятнинг узоқ қишлоқ ҳудудларида спортнинг бадий гимнастика турини ривожлантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Дилбар РАЗЗОҚОВА.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Халқ таълими вазирлиги, «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Маърифат» ва «Миллий тикланиш» газеталари ҳамкорлигида ўтказиладиган таълим бошқа (ўзбек тилидан бошқа) тилларда олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини

«ДАВЛАТ ТИЛИ — ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ» иншоолар танловига тақлиф этади!

Ўзбек тилидек бой ва жозибадор тил Ватанимиз мустақиллиги йилларида том маънода қайта туғилди. Она тилимиз дунё миқёсидаги нуфузли ва мўтабар минбарларда янграмоқда.

Олис хориж диёрларидан таширф буюрган меҳмонларнинг соф ўзбек тилида сўзлаши эндиликда оддий ҳолга айланмоқда. Эътиборлиси шундаки, юртимизда истиқомат қилаётган турфа миллатга мансуб ватандошларимиз ҳам ўзбек тилини она тилидек севишади, ардоқлашади.

Узига хос ижодий муҳокамага айланажак ушбу танловдан кўзланган бош мақсад — давлат тилимизга бўлган ана шу ҳурмат ва эҳтиром туйғусини янада кучайтириш, ўзбек тилини давлат тили, иккинчи она тили сифатида эъзозловчи бошқа миллат ёшларининг ҳар томонлама етуқ инсонлар бўлиб тарбия топишларига кўмаклашишдир!

Танлов голиблари 2007 йил 21 октябрь — Тил байрами кунини эълон қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши — 144-81-28, 144-83-05; Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги — 139-42-14, 139-16-30; «Маърифат» газетаси — 133-50-55, 133-83-38; «Миллий тикланиш» газетаси — 133-67-51, 136-58-73.

(Давоми 2-бетда).

ЭЗГУЛИК ЙЎЛЛАРИДА

Ойнинг бағрига маржондек тизилган кунлар бирин-бирин орта қолиб тарихга, ўтмишга айланади. Одам кунини, умрини тўқинликда, мазмунли ўтказиши ўзига, ҳаракати-га, билимига боғлиқ. Инсоннинг ўзи эса у яшаётган давлат қонунлари билан ҳимоя қилинади. Давлатимиз Конституциясининг 14-моддасида «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик асосида амалга ошириши» қайд этилган. Бу масала мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишидан бирига айланган. Ҳозирги даврга келиб эса ахборот урушлари фақат давлат органлари ёки ахборот воситалари эмас, балки турли халқоравий ташкилотлар ҳам олиб бормоқда. Шу боис, мамлакатимизда ана шундай ахборот хуружларининг олдини олиш, бундай урушларга йўл қўймаслик учун ҳар биримиз масъул бўлишимиз керак. Зеро, хавфсизлигимизга таҳдид қилувчи ҳар қандай ёт оғорларга қарши курашишда онгимизда миллийликни улугловчи мафқурамиз бор.

Биз Бош Қомусимизга бағишланган тантанали кечани озиқиши билан кутаётган бўлдик. Янги йилимиз қандай ном билан аталаркан, унинг ҳаётимизни қандай ахшилланишига қандай таъсири бўларкан, деган ўй ва саволлар ҳаётимиздан ўтади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Президентимиз 2007 йилни Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилганларидан қувонч мўждалари кўнглимизга қапалакдек кўнди. «Ижтимоий ҳимоя йили давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президентимиз фармони билан ташкил қилинган ишларнинг ҳаёт бағишлайди. Худди бизнинг фаровон турмушимиз, эзгулик мақсадларимизни олиб бериши билан ўтган йилларнинг мантқан давоми эканлигини аниқлайди.

Қиш атрофга қор эпкинларини сочиб, ўз ҳукмронлигини намойиш этиб турибди. Ғаётган қор ёмғирлар эртага унинг чиқадиган яшил майсаларга ҳаёт бағишлайди. Худди бизнинг фаровон турмушимиз, эзгулик мақсадларимизни олиб бериши билан ўтган йилларнинг мантқан давоми эканлигини аниқлайди.

Дилором ИСМОИЛОВА.

Депутат минбари

АҚШ сиёсатшуноси Збигнев Бжезинский фикри билан айтганда, АҚШ Марказий Осиёда ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиши учун бошқа кучли давлатлар ва бу масалада ўзига қарши давлатлар билан рақобатга киришмоқда. Буюк Британиядаги баъзи сиёсатдонлар эса буни қўллаб-қувватламоқда. Фарбдаги баъзи сиёсий кучлар ҳам Марказий Осиёда ўз манфаатларидан келиб чиқиб, бизнинг шимол ва шарқдаги давлатлар билан яқинлашишимизга нисбатан ахборот урушларини кучайтирди.

Бошқача айтганда, ахборот уруши қондаларига амал қилган ахборот воситалари маънавий ва ахлоқий кадрлардан маҳрумлашиб, бирон-бир сиёсий кучларнинг қуролига айланиб боради. Ҳозирги даврга келиб эса ахборот урушларини фақат давлат органлари ёки ахборот воситалари эмас, балки турли халқоравий ташкилотлар ҳам олиб бормоқда. Шу боис, мамлакатимизда ана шундай ахборот хуружларининг олдини олиш, бундай урушларга йўл қўймаслик учун ҳар биримиз масъул бўлишимиз керак. Зеро, хавфсизлигимизга таҳдид қилувчи ҳар қандай ёт оғорларга қарши курашишда онгимизда миллийликни улугловчи мафқурамиз бор.

Мунира КОРИЕВА,
Олий Мажлис
Конунчилик палатаси
депутати.

Гурур

Қадрдон инсонлар соғинчи юрагимда жўш уради. Ҳа, мен Ватан туйғусини шу залда англаб бораёлман...

Зухра БЕГИМУЛОВА,
ЎЗМУ қошидаги академик
лицей талабаси.

та тўртлик» — Рейтер, АП, Юнайтед Пресс Интернэшнл ва Франс Пресс етакчилик қилиб келмоқда. Агар халқоравий ҳаётга доир материаллар Осиё ёки Африка газеталарининг асосий қисми ҳисобланса, уларнинг 90 фоиз ҳиссаси ана шу катта

бизнес кабиларнинг кўпайишига ҳам айнан ахборот глобаллашуви сабаб бўлмоқда. Лекин, XXI аср — глобаллашув асри барча соҳаларда — иқтисод, савдо, фан ва техникада ахборот инқилоби мазкур тармоқларни ривожлантиришнинг муҳим

АХБОРОТ УРУШИМИ ЁКИ АХБОРОТ ХУРУЖИ?

Концептуал нуқтаи назардан айтиш мумкинки, ҳар қандай давлат ўз мақсадларини бажариш, фойдаланиш ва ҳимоя қилиш учун ахборот олишга интилади. Бундай фойдаланиш ва ҳимоя қилиш иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий соҳаларда амалга оширилади. Бирон-бир давлатнинг душмани тўғрисида ахборотга доир билимлар бу давлатнинг қудратини ошириши, душманнинг кучини пасайтириш ёки унга қарама-қарши туриш, шунингдек, унинг қадриятлари, ахборотларини ҳимоя қилишга шарт-шароитлар яратувчи восита ҳисобланади.

Ахборот қуроли маълум бир давлатнинг душмани эга бўлган ахборотга ва унинг ахборот функцияларига таъсир этади. Шу билан бирга, бу давлатнинг ахборот функциялари ҳимояланади, унинг натижасида душман иродаси кучсизланади, яъни кураш олиб бориш имконияти камаюди. Демак, ахборот уруши — бирон-бир давлатнинг душман ахбороти ва ахборот функцияларидан фойдаланиши, уни бузиш, сохталаштиришга доир ва шу каби хатти-ҳаракатлардан ўз ахборотларини, шунингдек, ўзининг шахсий ҳарбий ахборот функцияларидан фойдаланишни

ҳимоя қилиш мақсадларидаги ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан иборат фаолиятдир.

Ҳозирги даврга келиб ахборот урушининг таркибий қисмлари аниқланган. Хусусан, психологик операциялар — ўз душманга фўқаролари онгига таъсир этиш учун ахборотлардан фойдаланиш, электрон уруш — душманга аниқ ахборот олиш учун имконият бермаслик, дезинформация — ўз кучлари ва мўлжаллари ҳақида душманга ёлғон информациялар бериш, жисмоний бузиш — бу ҳам ахборот тизими унсурларига қарши таъсир қилиш мақсадларида амалга оширилса, ахборот урушининг бир қисми бўлиши мумкин. Хавфсизлик чора-тадбирлари — душманнинг ўз ниятлари ва имкониятларидан хабардор бўлишига ҳаракат қилиш бўлса, тўғридан-тўғри ахборот хужумларини амалга ошириш деганда ахборотлар

моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда уларни душманга бузилган ҳолда етказиш тушунилади.

Айтиш мумкинки, ахборот урушларининг ҳам нимагадир мўлжалланган мақсади бўлади. Булар бирон-бир давлатнинг фойдалана олиши, ҳарбий ахборот функцияларини душмандан ҳимоялаш мақсадларида ахборот кенгликларини назорат қилиши, душманга ахборот хужумини амалга ошириш учун ахборот устидан назорат қилишдан фойдаланиш, ҳарбий ахборот функцияларидан ҳар томонлама фойдаланиш ёрдамида ўз қудрати ва қуроли кучларининг умумий самарадорлигини ошириш кабилардир.

Умуман олганда, бугун дунёда 160 дан ортқ телеграф ва ахборот агентликлари фаолият юрғатади. Лекин, ҳозирчага 30 та давлат ўзининг аниқликлар хизматида эга эмас. Олдингидек, бу соҳада «кат-

тўртликка тўғри келади.

Машҳур олим Альберт Эйнштейн иккинчи жаҳон урушидан кейин 1945 йилги атом портлашлари таъсирида: «Аср охирига келиб инсоният бундан ҳам баттар портлаш — ахборот портлашига дуч келади», — деб башорат қилган эди. Албатта, ахборот урушига доир юқорида келтирилган таҳлиллар ривожланган мамлакатлар олимларининг назарий қарашлари ҳисобласидир. Фарбдаги олимларнинг ўзи ҳам ахборот урушларининг «кирдикорларини», уллардаги жийла-найранглари мавриди келганда ошқора айтди. Шунингдек, ахборот глобаллашуви жараёнлари натижасида миллий маданиятларни йўқотишга бўлган уринишлар миллий чегараларни бузиш хавфини ҳам келтириб чиқармоқда. Зарарли ахборотларни тарқатиш, пулга сиғиниш, куч ишлатиш, уюшган жиноятчилик, нарко-

ва асосий ҳаракатлантувчи кучи бўлиб қолишга даъвогарлик қилмоқда. Урушларнинг назарий жиҳатларига асос солган немис олими Карл Клаузевицнинг таъбири билан айтганда, ахборот уруши «душманини ўз иродасини бажаришга мажбурлаш» қондаси асосида олиб бориш аънаъаси асосида давом этмоқда. Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолияти, «демократияни экспорт» қилишга нисбатан танқидий ёндашуви, баъзи «хукмрон» давлатларни мамлакат ички ишларига аралаштиришга йўл қўймаганлиги, МДХ ва Осиёдаги давлатлар билан яқинлашиш жараёнлари Фарб давлатлари ва АҚШдаги баъзи сиёсий кучларнинг бизга қарши ахборот хуружларини кучайтиришига сабаб бўлмоқда. Албатта, ўз жараёнларда улар буларнинг стратегик ва миллий мақсадларидан келиб чиқмоқда. Масалан,

Мерос

Мададий ёдгорликларга бой Сурхон воҳаси минг йиллик тарихни ўз ичига олади. Воҳадаги Шеробод тумани ҳам қадимий гўшалар қаторига кирди. У салкам тўрт минг йиллик тарихга эгадир. Утган асрнинг биринчи ярмида Шеробод қулолчилик мактабининг давомчилари Избосар бобо, Ҳамро бобо ва Тўлабой Ашурбоевлар яшаб, ижод қилишган. Бу усталар тандир ва кўзалар ясаган.

СУРХОННИНГ ҚЎЛИ ГУЛ УСТАЛАРИ

Шеробод қулолчилик мактаби 1980 йиллардан бошлаб ривожлана борди. Қадимги ва замонавий усулдаги янги қулолчилик буюмлари яратилишининг асосчиси, Ўзбекистон халқ устаси, Ўзбекистон Бадий академияси хунармандлари уюшмасининг аъзоси, расом, қулол Қудрат Асроровнинг бу борадаги хизматлари беқиёс. У Сурхон элининг қадимги қулолчилик аънаъасини давом эттириб, миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган ҳолда ижод қилади. Унинг «Она-Ватан», «Ойла», «Мустақиллик», «Орол муаммоси», «Экология», «Наврўз» ва бошқа бир туркум асарларида янгиликни ҳис қилиш, аънаваний шакллarga эркин муносабатда бўлиш каби хусусиятлар кўзга ташланади. Ҳозирги ҳос маҳорат ва ранглардаги шакл мужассамлигида ечимнинг мукамаллиги кўринади. Уста-қулолнинг ишлари бошқаларникидан ажралиб туради.

Қудрат Асроров вилоят ва республика миқёсида ўтказилган барча ижодий тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда. У 1997 йилда Ўзбекистон Бадий академиясининг дипломи билан тақдирланган. Бир қанча «Ташаббус» кўриктанловларининг совриндоридир. Халқ устаси Қудрат Асроровнинг ижодий ишлари Хитой, Хиндистон, Япония, Германия ва Англия каби давлатларда ўтказил-

ган танловларда санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотган. — Истиқлол йилларида миллий хунармандчиликка катта эътибор қаратилди, — дейди у. — Айниқса, 1997 йилда «Юртбошимизнинг «Халқ бадийи хунармандчилигини ва амалий санъатини янада ривожлантиришнинг давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилиниши қулолчилик санъатининг ривожланишига катта туртки бўлди. Шогирдларнинг устозлар аънаъасини давом эттиришга бел боғлаётганидан қувонаман.

2000 йилда узок йиллар халқ амалий санъатини ривожлантиришга муносаиб ҳисса қўшган бу инсонга «Ўзбекистон халқ устаси» унвони берилди. Меҳнат қилган элда азиз, деганлари шу бўлса керак. Халқимизнинг бой тарихи ва мададий меросини Қудрат Асроровдек етук инсонлар ёш авлодга етказиб келмоқда. Шогирдлар ижоди орқали асрлар оша яшаб келадиган қадриятларимиз, миллийлигимиз хунарманд усталарининг ижодида ўз аксини топаётгани қувонарли. Уларнинг ижодини янада чиз ва теран ўрганиш биз — ёшлар учун шарафдир.

Дилором БЕРДИЕВА,
К. Бехзод номидаги
Миллий рассомчилик ва
дизайн институти
талабаси.

ҒИЖДУВОН — ХУНАРМАНДЛАР ЮРТИ

Ғиждувон қадимдан хунармандлар юрти бўлиб келган. Шаҳарда ёшларга қизиққан касблари бўйича хунар ўргатиш ишлари кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Бунга «Машҳура» фирмасини мисол қилиб келтириш мумкин. У ерда ўнлаб ёшлар Замира опа бошчилигидаги тажрибали усталардан миллий хунармандчилик сирларини ўрганиб келмоқдалар.

Шунингдек, Фурқат Азаматов раҳбарлик қилаётган халқ хунармандчилиги тўғрагида ҳам юздан ортқ ёшлар хунар ўрганишмоқда. Дикҳатга сазовор томони шундаки, худудда аждоқларимиздан мерос бўлиб келадиган миллий хунармандчилигимиз сир-асрорларини ёш авлодга ўргатиш, уларда конструктив кўникмаларни ривожлантириш бора-сида олиб бориладиган ишлар яхши йўлга қўйилган. Бунинг учун эса барча шарт-шароитлар маъжуд.

Ихтиёр ЙЎЛДОШ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

ВАТАН ОСТАНАДАН БОШЛанаДИ

Мактабда ўқиб юрган кезларимда Ватан ҳақида жуда кўп шеърларни ёд олар эдик. Бироқ ўша пайтлар шoirларнинг Ватан меҳри, соғинчи қўиланган сатрларни ўқирканману моҳиятини англаб етмас эканман. Энди эса уйдан олисда таҳсил олялман, анча улгайган-дегман. Ватан меҳри, соғинчи қандайлигини энди ҳис қилаёман. Гарчи қишлоқда, уйимга ҳар ҳафта-

да бориб турсам ҳам, отамни, онамни гўё йиллар давомида кўрмаган одамдек соғинаман. Уларни қучоқлаб бир дам йиғлаб ҳам оламан. Ва англайманки, худди шу соғинч, айнан шу хислар мурғак қалбимда Ватан туйғусини уйғоётган экан. Ватан остонадан бошланади, дейишди. Хар қал қишлоғимга қайтар эканман болалигим ўтган йўллар, кўчалар,

қадрдон инсонлар соғинчи юрагимда жўш уради. Ҳа, мен Ватан туйғусини шу залда англаб бораёлман... — Ирт, она-Ватан деганда қалбимда ким нимани ҳис қилади билмайдим, мен отамни, онамни, қишлоғимнинг оташ меҳрини туйман. Уларга, она Ўзбекистонга чин содиқ фарзанд бўлмоғим керак, дея ўз-ўзимга сўз берарман. Ҳа, мен Ватан туйғусини шу залда англаб бораёлман...

Зухра БЕГИМУЛОВА,
ЎЗМУ қошидаги академик
лицей талабаси.

«Ташаббус — 2007»



КУЧЛИЛАР ПОЙТАХТГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгарлар» маданият саройида «Ташаббус — 2007» кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз Президентини соврини учун ҳар йили аънаваний тарзда ўтказиладиган ушбу тадбирнинг туман ва шаҳар босқичларида 400 дан зиёд номзод иштирок этишди. Вилоят босқичида 21 нафар тадбиркор, 15 та фермер, 21 нафар хунарманд ва 56 нафар хусусий тадбиркор қатнашди. Кўргазмага қўйилган сифати жиҳатидан импорт урини босадиган, экспортбон маҳсулотларни кўриб, кишининг кўзи тунмайди. Айниқса, Тошкент туманидаги «Москва деликатеслари» маъсуляти чекланган жамиятида тайёрланган гўшт, Янгиёул туманидаги «Саховатли дёр» фермер хўжалигининг

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, Бекобод туманидаги «Элнур» хусусий корхонасининг турли хилдаги қурилиш товарлари ҳар бир одамнинг эътиборини тортиши шубҳасиз.

Биз ўз маҳсулотлари билан кўрик-танловда қатнашаётган баъзи корхоналар вакиллари билан суҳбатлашдик. — Кўрик-танловда 70 турдаги маҳсулотлар билан қатнашмаямиз, — дейди «Москва деликатеслари» жамияти менежери Вилдан Урмонов, — Жамоамиз ўз олдига юртимиз аҳолисини Москваники каби сифатли ва мазали колбасалар билан таъминлашни асосий мақсад қилиб қўйган. Биз унинг уддасидан чиқишга ҳаракат қиляпмиз. Айни пайтда бир кунда бир неча тонна гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, шартнома асосида истеъмолчилар-

га етказиб бериляпти. Корхонамизда Австриядаги «Шаллер» фирмасининг усқуналари ўрнатилганлиги боис, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар тайёрланмоқда.

— Бундан 5 йил илгари чорвачилик фермасини сойти олиб, иш бошлагандик, — дейди Янгиёул туманидаги «Саховатли дёр» фермер хўжалиги раҳбари Камолиддин Сайфуллаев. — Уша пайтда фермада бирор бош мол йўқ эди. Банкдан кредит олиб иш бошладик. Ҳозир 314 бош қорамол, 50 бош от, 100 бош қўй парварий қилинмоқда. Сутни қайта ишлайдиган мини цехимиз ҳам маъжуд бўлиб, 7 хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Олинаётган фойда миқдори ҳам йилдан-йилга ошиб борапти.

Урта Чирчиқ туманидаги «Мирзақаримов Тешабой ота» фермер хўжалиги «Энг яхши фермер», Оҳангарон туманидаги хусусий тадбиркор Зарифа Баҳодирова «Энг яхши хунарманд», Тошкент туманидаги «Москва деликатеслари» жамияти «Энг яхши тадбиркор» номинациялари бўйича голиб деб топилди, республика босқичига йўлланма олдилар.

Ўз мухбиримиз.

Совуққонликми ёки ишнинг кўзини билмаслик...

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда).

8021 та билет ва карточка учун 140 000 сўм тўлагани ҳолда 2 266 300 сўм маблағ тўланмай турибди. Бундай кўрсаткич Самарқандда (раис А.Каримов) ҳам қувонарли эмас, яъни 3700 та билет ва карточканинг 500 таси унунгина ҳақ тўланган, холос. Фарғона кенгаши (раис Б.Мўминов) режадаги 1 086 000 сўмдан бор-йўғи 76 000 сўм маблағ тўланган.

Тошкент вилояти кенгаши (раис Ш.Салимов) ўз сафарида энг кўп аъзоларни жиқлаштирган худудий ташкилотлардан ҳисобланади. Бироқ 8000 та билет ва карточканинг ҳозирга қадар атиги 500 таси тарқатилгани ташвишли ҳолат десак, муволажа бўлмайди. Худди шундай вазият Тошкент шаҳар кенгашига (раис Ж.Тошматов) ҳам тааллуқли. Пойтахт кенгашининг шу борадаги қарзи 1 208 460 сўмни ташкил этиши зиммадаги вазифа нечоғли совуққонлик билан қаралаётганини кўрсатади.

Такрор айтмайми, тўла-нони зарур бўлган маблағнинг пайсалга солинишини ҳеч қандай сабаблар билан ҳеч бўлмайди, албатта. Янада ташвишланарли жойи шуки, партия билетларининг қисқа фурсатларда аъзоларга тарқатилмагани жойларда партия аъзоларининг ҳақиқий ҳисобини билишни қийинлаштиради. Биз кимга суянамиз? Қайси вилоятда қанча аъзоларимиз, қанча фаолларимиз борлигини қандай аниқлаймиз? Кадрлар захирасини ўрганиш қай аҳволда?

Назаримизда, партия билетларини тарқатиш ишига бу қадар бепарво

муносабатда бўлинган вилоятларда бу каби саволларга аниқ жавоб олиш керак. Аъзолик бадалини тўллашга доир маълумотлар тахлили ҳам вилоят кенгашиларидаги ишни ташкил этишининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Афсуски, аъзолик бадалини йиғиш борасидаги камчиликлар хусусида ҳам бирмунча аччиқ мулоҳазаларни айтиш мумкин.

ЎзМТДП Уставида аъзолик бадалининг 5 фоизи Марказий кенгаш, 10 фоизи вилоят кенгаши, қолган 85 фоизи туман (шаҳар) кенгаши ҳисоб рақамига ўтказилиши белгилаб қўйилган. Ҳозирги пайтда аксарият туман (шаҳар) кенгашиларининг ҳисоб рақамлари бўлмаганлиги сабабли бадал тўшумлари асосан вилоят кенгаши ҳисоб рақамига тўпланмоқда. Турри, Уставнинг 14,4-бандида «моддий жиҳатдан партияга аъзолик бадалларини тўлай олмайдиган фуқароларни аъзолик бадалларидан озод қилиш ҳуқуқи» берилган. Бироқ, бу умумий аъзолик бадалининг асосий қисминдан воз кечиш мумкин дегани эмас-ку!

2006 йилда Сидраб вилояти кенгаши (раис М.Бозорбоев) ҳисоб рақамига аъзолик бадали умуман келиб тўшмаганини ҳеч қандай ваз билан изоҳлаб бўлмайди. Жиззах, Наманган, Қашқадарё вилоятлари кенгашиларининг бу борадаги фаолиятини ҳам фақат танқидий баҳолаш мумкин.

Ўтган йилда вилоят кенгаши ҳисоб рақамига 5 912 002 сўм, Марказий кенгаш ҳисобига келиб тўшган маблағ билан қўшганда, жами 7 292 006 сўм аъзолик бадали тўлангани маъжуд имкониятдан мул-лако қониқарсиз фойдала-

ниладиганини кўрсатади. Шу ўринда ҳамма айбини вилоят кенгашиларига ағдаравериш ҳам ўринсиз, нафсиларини айтганда, мавжуд камчиликлар Марказий кенгаш девони раҳбариятининг (депон раҳбари Х.Мирзажонов) бу борадаги ишларини етарли даражада ташкиллаштири олмаётганини ифодалайди.

Кўнглига таскин берадиган ҳолат фақат Хоразм (раис Б.Бобоқонов), Сурхондарё (раис И.Адинаев), Бухоро (раис А.Қўлиев) вилоят кенгашиларидан қайд этилди. Хоразм вилоят кенгаши маъсул ҳодими Рўзибат Саидов ўз тажрибалари билан ўртоқлашди, жумладан, вилоят кенгаши ҳисоб рақамига Марказий кенгаш ҳисобига ўтказилгандан ташқари салкам 2,5 миллион сўм тўшганини таъкидлади.

Шу ўринда савол туғилади: вилоят кенгаши ҳисоб рақамига аъзолардан тўшган маблағдан бир неча миллион сўм тўланиши нимадан далолат беради? Шубҳасиз, партия аъзоларини уюшқонлигидан, ташкилий ишлар тўғри йўлга қўйилганидан, партиянинг халқ орасига чуқурроқ кириб бораётганидан далолат беради.

Раёсат йиғилиши якунида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Партия ишидаги камчиликларни қандай бартараф этиш мумкин? Саволга Исмомиддин Адинаевнинг гапидан жавоб топгандек бўлди: «Ҳозирги сиёсий майдонда рақобатбардор бўлиш учун сафимизга ишнинг кўзини биладиган, тадбиркор инсонларни жалб қилиш керак».

Ш. ХАЙИТМУРОВОВ.

«Аёл билан мунаввар олам» кўрик-танловига

ШИРМОНБУЛОҚДАН ТАРАЛГАН НАВО

Ўзбекистон халқ артисти Муножот ЙЎЛЧИЕВанинг илк ижодий йўлига назар

охириги тўрт қаторни ёдлашга улгурмагани учун: «Уэр, у ёғини билмайман», — деб даврани тарк этди. Ичкарига киргандан сўнг, тоғаси Абдуллоҳон Мавлонов унинг ўқишлари билан қизиқди. Ажойиб овози борлигидан мамнун бўлди. Бу чинакам санъат шинавандаси ўзини бир вақтлар театр артисти бўлишга чоғлаган ва саломатлиги бир қадар монелик қилгани учун орзу си ушалмай қолган эди. Тоғанинг илтимосига кўра мактабда ўрганган кўшиқларидан 2-3 тасини айтиб берган Муножот яна олқиш олди...

Бу орада мактабни тугатиш фурсати оғир бўлди. Имтиҳонларга тараддул қўриш зарур эди. Яна ўша андижонлик тоғаси Муножотларникига келди. Мактабни тамомлагач, қаерга ўқишга киришни сўради. «Маданият институтига, кутубхоначиликка», — деган жавобни олди. Аслида ота-она Муножотни ҳеч қаерга юборишни истамас, оилага дастёр керак эди. Катта қизларини турмушга узатишган, Абдулоҳим аскарликда, уйда Муножот фарзандлар ичидан каттаси бўлиб қолган эди-да...

Тоға отаси билан почасига ўзи фикрини тушунтиришга ҳаракат қилар, бироқ бу уч сўхбатдошинг Муножотнинг тақдирини тааллуқли фикрлари бир-бирига зид эди. Ота эл-юртга кўз-кўз қилади-ган шурхратли қиз устирганимиз йўқ, ҳамма қатори-юравергани маъқул, чунки биздан ҳеч қачон кўшиқчи чиққан эмас, дея

эйтирози билдирарди. Тоға эса ўз сўзини бермас, айна пайтда илтимос оҳангига фикрларини ислотлаш учун куюниб гапирар эди: — Почча, опа, ҳар ақилангиз ҳам мен учун азиз-сизлар, фақат бир нарсани тушунишингизни истардим. Муножотнинг ажойиб истеъдоди бор. Мана, мени айтиб дерсизлар, қизингиздан ажойиб санъаткор чиқади. Келинг, унга йўл берайлик, ризо бўлинглар, оқ фотиха бериб ўқишга юборайлик...

Тоғанинг қуюнчақлик билан айтган гаплари ота-онани юмшатди. Қўллар дуога очилган пайт тонг ёришди борарди...

Ота-она ризолигини олгач, Муножот Тошкентга ўқишга келди. Хўжатларини консерваторияга топширди. Имтиҳон пайтида уни эшитиб кўрдилар: ҳақиқатан ажойиб, ҳозир бу овоз анча гўр, уни пишитмок учун эса билим керак, мусиқий билим керак. Консерватория қошидаги икки йиллик тайёрлов бўлимидаги машгулотлар бу кемтикликни тўлдирдишга қаратилди...

Қўшиқда ҳар бир сўз ўз маъносига, таъсир қилар эга бўлиши лозим. Ижрочи буни англаб етиши керак. Ана ўшандагина сўзлар қуйлаш жараёнида оҳангга бўйсунди, оҳанглардан иборат тўлқин, товушлардан иборат ижод маҳсули қалбдан отилиб чиқсагина тингловчига етиб боради...

Қўшиқ айтиб, элга манзур бўлган деган мақсаднинг ўзи кифоя эмас. Мусиқа илмини пухта

ўзлаштириш, кўникма орттириш учун жиддий киришмок зарур эди.

Муножот тайёрлов бўлимида кўп нарсани ўрганди, жаҳон халқлари мусикасидан хабардор бўлди. Ўз устида соатлаб ишлаб, сабр-тоқат ила муваффақиятлар, зафарлар поғонасига қадам қўйди. Бу борада устозлари ота-бола Муҳаммадхон ва Шавкат Мирзаевларнинг хизматлари катта бўлди. Устозлари кўшиқчи бўлиш-маса-да, мусиқа соҳасида пухта билимга эга эканликлари Муножотнинг кўшиқ ўрганиш жараёнига энгиллик берар эди.

...Ҳадемай тайёрлов бўлимининг бир йили ўтиб кетди. Улуғ бобомиз Алишер Навоийнинг юбилей санасига тараддуллар бошланди. Муножот ҳазрат Навоий қаламига мансуб «Муножот» кўшигини куйлади. Уни зангори экранда томоша қилган шинавандалар санъатимизга янги овоз кириб келганидан хушнуд бўлишди. Қаранки, ота-она ризолиги, устозлар масъулиги ҳамда Муножотнинг ўзига хос истеъдоди уни санъат уммонидан дур-жавоҳирлар термокча олиб келди. Жавоҳир эса бизнинг мумтоз мусиқасиди, илдиизи халққа тегишли бўлган қадимий ноламиз. Уни идрок этмок учун ҳақиқий ошуфта юрак, гўзаллики теран англайдиган қалб керак. Буларнинг бари шу нозиккина қизда мужассам эди... Буни, аввало, устозлар сезишган бўлса, кейинрок бутун санъат аҳли эътироф этди...

Насиба ОЧИЛОВА.

Юртимизда хунармандчиликнинг турлари кўп. Ҳўқанди латифда дўппидўзлик қадимий хунар ҳисобланиб, авлоддан авлодга ўтиб, ардоқланиб келади. Бу хунар эгалари касаначилик билан шуғулланиб, ўз уйларида ишлашади, ижод қилишади.

— Дарҳақиқат, дўппидўзлик касаначиликка хос касб. Уюшмамизга кўплаб хунармандлар аъзо, — дейди шахар «Хунарманд» уюшмаси раиси Мухторхон Мўйдинов. — Шулардан бири Азизахон Хусанбоевадир. Бу чевар аёл ўз маҳалласида «Устоз ва шогирд» мактабига асос солиб, ўз хунарини ёшларга меҳр билан ўргатаётган мараббиядир. Президентимизнинг касаначиликни ривожлантириш ҳақидаги Фармонидан кейин дўппидўзлар ҳам уюшмамиз атрофига бириллашиб, бу кўна касбни янада ривожлантираётганлар.

М.Мўйдиновнинг сўзларидан кейин бизда Азизахон Хусанбоева билан ақиндан танишиш истаги туғилди. Маҳаллада ҳамма бу чевар аёлни яхши танир экан. — Ҳа, Азизахонми? Дилкушо кўчасида яшайди, — дея унинг уйини тушунтириб беришга маҳаллодошлар. — Ёшларга устоз. Қўлидан игна-ю ип тушмайди, қўли гул чевар...

Азизахоннинг хонадонига кириб бурганимизда у шогирдига дўппидўзлик сирларидан сабоқ бераётган экан.

— Дўппини тикиш ва тайёрлашда қанча эътиборли бўлсангиз, у шунча чиройли чиқади, — дейди Азиза-

хон шогирдига. — Зехни бир жойга қўйиш зарур. Ана шунда чокин-гиз силик чиқади... Устоз суҳбат жараёнида дўппининг тепа қисмини бичиш учун мато

АЗИЗАХОН ЯРАТГАН МАКТАБ

доира шаклида қирқилиши, пасти гардиш шаклида бўлиши, уларга доира ва қалампир нусха гуллар солиниши, тоза ипақдан тикилиши, кўйинги, бичиш, гул нусхасини чизиш, ипақдан гул тикиш, жияк тайёрлаш, қоғоздан пилта уриш, елимлаш жараёнларининг миридан сиригача тушунтириб берди. Қўлига игна ва ип бериб, шогирдининг ишини текширди. Азизахон ўзига шогирдликка тушган тиришчок бу қизнинг дўппидўзликни этагидан ушлаб кета олишига кўзи етди чоғи, мамнун жимлайиб қўйди. Сўнг бошқа шогирдлари ишига назар ташлади. Дўппининг тепа қисмига гул тикиётган Ферузaxonнинг ишидан кўнгли тўлган, Улмасхон ва Гулнораҳоннинг тайёр маҳсулотлари —

дўппиларини қабул қилиб олди. — Бу қизлар — «Устоз ва шогирд» мактабининг умидли чеварлари, — дея гурурланиб қўйди улар билан Азизахон. — Издошларим кўпаяётганидан хурсандман.

А.Хусанбоева онасининг касбини эгаллаб, кам бўлмади. Қарийб қирқ йилдан буён дўппидўзликни ардоқлаб келаётган бу хунарманд дастлаб оила аъзолари-ю кўни-қўшиқларига дўппи тикиб берган бўлса, ҳозир кўплабга устоз.

— Тиккан дўппиларини кўвлик либосидаги йигитларнинг бошида кўрсам, кўнглим тоғдек кўтарилади ва касбимга бўлган меҳрим янада ортиб кетади, — дейди Азизахон. — Шунинг учун дўппининг янги нусхаларини яратиш йўлида изланман.

Кўқон дўппиларига талаб катта. Шу туфайли ишларимиз тизиг, буюртмачиларимиз кўп. Мустақиллик берган эрк, тadbиркорлару хунармандлар, ёшларга яратилган имкониятлар ҳамда имтиёзлар барча юртдошларимиз сингари бизни ҳам бор маҳоратимизни ишга солишга, эл хизматига ҳамisha камарбаста бўлишга чорлайди...

Ҳа, дўппиларга зехни ўткир, иши сифатли, ўз касбининг устаси бўлмиш Азизахон Хусанбоевадек мунис аёлларимизнинг меҳнатлари сингган. Бошларига дўппи кийган йигитлар, нуруний отахонларни кўрганга чеварларнинг юзларига беихтиёр табассум иниб, касбларига бўлган меҳри ошиши шубҳасиз.

Курбоний СУЛТОНОВА.

ЁШ БЎЛСА ҲАМ...



Интилганга толе ёр, деганлари шу бўлса-керак. Зилола тиббиёт ходимлари кўнига бағишлаб ўтказилган «Хамшира-2006» кўрик-танловига иштирок этиб, туман микёсида 1-ўрин соҳиби бўлди ва танловнинг шаҳар босқичига йўланма олди. Хамширалик ишини эндигина бошлаган қиз учун бу танлов биринчи синов, голиблик эса катта ютуқ эди. Зилола танловнинг кейинги босқичида тажрибали хамширалар билан юзма-юз келди.

— Шаҳар босқичида муваффақиятга эришмаган бўлсам ҳам, танловда қатнашиб кўп нарсани ўрган-

дим, — дейди у. — Хамширалик ишининг сир-асрорларини иш жараёнида янада пухта ўлаштириб бораёпман. 2007 йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб номланиши биз — хамшираларнинг ҳам режали иш кўришимизни тақозо этади. Шу босқичдан туманимиздаги оила хамширалари навбатма-навбат жойлардаги ёлғиз қариялар ва ногиронларнинг хонадонларида, ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилаларда бўлиб, уларга тиббий ёрдам кўрсатишмоқда. Шарафли касбимизнинг масъулияти томонлари ҳам кўплигини кун сайин тушуниб бораёпман. Эъзулнинг катта-кичи-

қилади. Ҳаёт ҳақиқати бу. Зилола билан суҳбатлашар эканман, унинг ўзига талабчанлиги, тиришчоклигини ҳис қилдим. У ҳозирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг поликлиникада ташкил этилган бўлими бошлиги сифатида ҳам фаолият юритиб келмоқда. Умидли хамширанинг келажақдаги режалари билан ҳам қизиқдик.

— Пойтахтимиздаги Боровский номи тиббиёт коллежининг «Хамширалик иши» бўлимида тахсил олганман. Ишдаги амалиёт менга катта сабоқ бўлапти. Бу йил тиббиёт олий-гоҳига ҳужжатларимни топширмокчиман. Одамларга ёрдаман тега, қўли энгил шифокор бўлсам дейман, — деди Зилола бизга орзулари ҳақида гапирар экан.

Эндигина йигирма бир баҳорни қаршилаган ёш, умидли хамшира билан хайрлашар эканмиз, унинг ёруғ умидлари ушалишига тилак билдирдик.

Гулбаҳор ОРИТҚЎЖАЕВА.

Аср вабоси

Гиёҳвандлик — иллат

Бугунги кунда дунё ахлини ташвишга солаётган иллатлардан бири гиёҳвандлик вабосидир. Бу бало оқибатида қанчадан-қанча оилалар азият чекиб, ёстиқлари бурикмоқда. Афсуски, бу иллат маънавиятимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Ачинарлиси, унинг таъсирига ёшларимиз ҳам билиб-билмай кириб қолаётганидир.



Бунга қарши кураш мақсадида 1 февралдан 28 февралга қадар «Ёшлар орасида гиёҳвандликка қарши кураш» ойлиги ўтказилмоқда. Вилоятнинг барча шаҳар-туманларида, ўқув юртлири, гузар ва маҳаллаларида «Гиёҳвандлик — аср вабоси», «ОИТС касалликлари» каби мавзуларда ўқувчилар ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Тошкент вилоти ИИБ ходимлари тadbирни самарали ўтказиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари, маҳалла посбонлари, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатларни жалб қилишган. Ҳўвурти талабалари томонидан турли викториналар ташкил этилиб, ўзаро беллашувда гиёҳвандликнинг оқибатлари тўғрисида саҳна чиқишлари уюштирилмоқда.

Шунингдек, тadbир давомида инсон саломатлигига кучли таъсир этувчи гиёҳвандлик моддалари-нинг салбий оқибатлари ҳақида профилактик суҳбатлар ўтказилиб, гиёҳвандлик балосига йўлиққан кимсаларнинг ҳаётлари, унинг салбий оқибатлари тўғрисидаги видеоматериаллар намойиш этилмоқда. Ички ишлар идоралари ходимлари маҳалла фаоллари иштирокида жамоат жойларида тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Аҳолига наркотик моддалар билан ноконуний равишда муомала қилиш билан бир вақтда таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни ўстириш, етиштириш ва уни сақлаш, сотиш ҳам жиноят эканлиги тушунтирилмоқда. Бироқ, айрим кимсалар мўмай даромад илнжида гиёҳвандлик моддаларини сотиш билан шуғулланмоқдалар.

Тadbир давомида наркотик моддаларни сақлаш, етиштириш ва уни сотиш билан машғул бўлган шахслар аниқланиб уларга кескин чоралар кўриш

борасида ишлар амалга оширилмоқда. Бекобод туманида яшовчи фуқаролар 1976 йилда туғилган Б.Сафаров, 1985 йилда туғилган М.Пўлатов ва Р.Ҳожиёвлар шахарнинг 81-даҳасида гумонланиб текширилганда, чўнтақларида полимер пакетларга ўралган оқ сарғиш ранглардаги тошсимон, қуқунсимон моддалар борлиги маълум бўлди. Улар экпертизадан ўтказилганда жами 100 грамм кучли таъсир этувчи героин гиёҳвандлик моддаси эканлиги аниқланди. Дастлабки суриштирув жараёнида бу учовловч мазкур наркотик моддани сотиш учун Бекобод шахрига олиб келганлиги ошкор бўлди.

Ҳозирда ушбу ҳолат бўйича тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Адибахон ФАЙРАТ кизи, журналист. Одижон ҒУЛОМОВ, Тошкент вилоти ИИБ матбуот маркази инспектори, катта лейтенант.

БИР ҚЎЛИДА БЕШИК, БИРИДА ДУНЁ...

Аҳли донишлар айтганидек, аёлнинг меҳри ҳам, қаҳри ҳам дунёга зеб бериб туради. Аёл бутун борлиги билан меҳр, садоқат тимсолидир аслида. Айниқса, у оналик деган шарафли ном билан муқаддасдир. Фарзандларини оқ ювиб-оқ тараган ҳам, уларнинг қалбига энг юксак, покиза туйгуларни, меҳрни хо қилган ҳам у. Ватан, тупроқ, табиат сингари муқаддас неъматларга Она исмининг қўшиб айтилиши ҳам шундан.

Аёл буюк тарбиячи ҳамдир. Ҳар бир фарзанд онанинг бағрида улғаяр экан, онасининг феълидаги жамики фазилатлар табиатан унга ҳам кўчади. Ватанга, одамларга, табиатга дилимизда меҳр уйғотган ҳам оналар! Гўдаклик чоғларимизда бешигимизни тебратиб, меҳрибонлик билан онамиз айтган аллада меҳру муҳаббат мужассам. Эзгуликка бошловчи эртақларни ҳам биринчи бўлиб онамиздан ёки буювчиларимиздан эшитганмиз. Катталарга ҳурмат, қиқчиларга иззатда бўлишни биринчи бор бизга онамиз айтган-ку, ахир! Аввал боғчага, кейин мактабга борганимизда ҳам аввало онамиз бизга йўл-йўриқ кўрсатган. Оталаримиз кўпроқ кўчада — ишда, бошқа юмушда бўлишди. Аёлнинг ҳаياتидаги ўрни қандай бўлмасин, у оилада меҳрибон она, яхши бека, сеvimли ёр бўлиши керак. Бу табиатнинг ёзилмаган қонунидир аслида.

Аёл қайси касб эгаси бўлмасин, ҳар бир ишга табиатидаги меҳр билан ёндашади. Унинг қўли гул-гули, ширинлиги, қадимиде нафосату назокат, чиройи бўлиши ҳам шундан. Аёл рўзгор ишини удалаб, жамиятда ҳам ўз урнини топаётган давр келган экан, уни табриқлаш керак! Зиёли, олимпиа, фозила, хунарманд, тadbиркор, фермер аёлларимизнинг сафи кундан-кунга кенгайиб бораёттир. Раҳбар, сибясатчи, депутат аёлларимиз сони ортаётган бўлиши ҳам қувонарликдир. «Миллий тикла-



ниятимиздаги салбий ўзгаришларни бартараф этиш фикри ҳам келиб қўшилсин. Аёл зоти ибo, ҳаёси билан гўзалдир. Аёлнинг ширин калом билан фарзандларига, шогирдларига айтган ҳар бир насухати, тарбияси ўз таъсирини, самарасини беради, албатта.

Дунёни гўзаллик кутқаради, дейдилар. Аёл табиатан гўзаллик тимсолидир. У қадами етган гўшага зеб беришга, тартиб билан ишлашга уринади доим. Фарзанди фарзандли бўлса ҳам унинг ташвишини қилади оналаримиз. Онани яратмасин экан, деб қўяди буни кўрганлар. Муборак ҳадиси шарифда аввало онанга, сўнг яна онанга, яна онанга, кейин отанга яхшилик қил, дейилиши ҳам шундан. Онани ҳаж сафарига елкасида кўтариб олиб бориб келган фарзанд ҳам бир тўлғоқ азобининг ҳақини адо этмаган ҳисобланар экан. Аёлнинг қаддини етган жойда орасталик бор. Аёл борки, эзгулик бор, аёл билан олам мунаввар.

Аёлларимиз буюк тарбиячи, миллий урф-одатларимизнинг тарғиботчиси ҳамдир. Тўй-маъракаларда, байрам уйларида ҳам аёлларимизнинг асрий аъналаримизни эъозлаб, уларни келажак авлодга етказишга уринаётганларини кўрамиз. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ҳар бир ўзбекона фазилатнинг сақланиб қолишида хотин-қизларимизнинг буюк хизмати, иштироки бор. Демак, шoir айтганидек аёлларимизнинг бир қўлида бешик, бирида дунё бор.

М. ЮНУСХЎЖАЕВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Турфа касб эгалари

Латифжон аканинг ибрати

Латифжон ака Аҳмаджонов ёшлигидан хунарманд бўлишга иштиққанд эди. Атлас-адрас матоларни тўқишни падары куришдан кунт ва меҳр ила ўлаштиради. Ўзи тайёрлаган сифатли миллий хунармандчилик маҳсулотлари орқали эл назарига тушиди, хурматга сазовор бўлди.

Билганларини фарзандлари билан баҳам кўраётти. Айни вақтда ўн нафар шогирдига атлас, адрас, беқасам, рўмол тўқиш сир-асрорларини ўргатмоқда. Бири маҳсулотнинг лойиҳасини чизса, яна бошқаси тўқиш, бўйиш иши билан банд.

— Ёшлар бекор юрганган кўра фойдалани иш қилса, масалан, хунар ўрганса маъқул-да, — дейди отахон.

Тўрт нафар ўғлига қўшилиб, набиралари ҳам авлоддан-авлодга ўтиб келаётган хунарнинг бошини тутишган. Фотиха олган шогирдлари орасида Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари борлиги қувонарликдир.

У кишининг қўли гул, тайёрлаган атласларининг бозори чаққон. Ҳатто, қўшни вилоятлардан келадиган буюртмаларнинг кети узилмайди. Уста қирқ уч йилдан буён сеvimли хунарини ардоқлаб келмоқда. Хунарманд охириги уч йил ичиде ишлаб чиқаришдан мўмай даромад олди. 550 минг сўм фойда маблағини ўзи истикомат қилаётган «Маданий маориф» маҳалла фуқаролар йиғинидаги кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга сарфлади.

Латифжон Аҳмаджонов ана шу эзгу саъй-ҳаракатлари самараси ўларок, яқинда ўтказилган «Ташаббус» кўрик-танловининг Наманган шаҳар босқичида «Энг яхши хунарманд» йўналишида ўндан зиёда даъвогарлар ичиде голиблик муносиби деб топилди. Айтиш лозимки, унинг кўрғазмаси бошқаларникидан харидорлириги, жозибаси, хилма-хиллиги, рақобатбардошлиги билан ажралиб турди.

Оқилхон ДАДАБОВЕВ.

Истиқлол берган имкон

«МАРЖОН СУВ» ДАРДГА ДАВО

Инсоннинг энг катта бойлиги унинг саломатлиги. Бундан биров хасталикни бошидан ўтказганлар яхши англайдилар. Одам соғ бўлсагина бошқа нарсалар кўнглига сиғади.



Юртимизда, айниқса, истиқлол йилларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, инсонлар саломатлигини яхшилаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Фалларол туманининг Лалмикор кўрғончасида қайтадан қад ростлаган «Маржон сув» сифатгоҳи ҳам аҳолининг соғлигини тиклаш йўлида қўйилган қадамлардандир.

Сифатгоҳда асосан сув билан муолажа қилиш кенг йўлга қўйилган. Бу масканда таркибида сульфат, гидрокарбонат, хлорид, натрий, магний каби инсон саломатлиги учун зарур элементлар кўп бўлган шифобахш сув ёрдамида

бел, оёқ, ошқозон ва бошқа касалликларга дучор бўлган кўплаб инсонлар дардларига малҳам топишаётир. Шифо маскани ётоқхоналари дид билан жиҳозланган. Даволаш хоналари эса замонавий тиббиёт асбоблари билан таъминланган. Сифатгоҳ шифокору ҳамшираларининг ширин муомаласи, тева-рак-атрофга ўтказилган минглаб турли-туман дов-

даракларнинг гўзал манзараси ҳам даволанувчилар дардига малҳам бўлиши шубҳасиз.

— Мен бу ерга ҳассага таяниб зўрага келганим, — дейди нукуслик Генжа ога. — Керакли мулажаларни олганимдан сўнг ҳассани ташладим. Мана, илгаригидек юрибман. Шифокорларга, сифатгоҳ маъмуриятига минг раҳмат.

Биз бундай миннатдорчилик сўзларига яна кўплаб сифатгоҳ даволанувчилари билан сўхбатларда гувох бўлдик. Дам олувчиларга чин кўнглидан, самимиёт билан хизмат кўрсатаётган, хаста кўнглиларга малҳам бўлаётган «Маржон сув» ва сифатгоҳ маъмуриятининг эзгу ишлари бардавом бўлишини тиладик.

Алишер НУРМАМАТОВ. СУРАТДА: сифатгоҳ биносининг умумий кўриниши.

Мутолаа

ҳам қарамасдан, болага қараб ҳалқиллаб отилди. Дунёни унутиб, ёмғир остида диқирлаб-ирғишлаб югураётган болакайни қўлтигидан ногаҳонда тугиб олиб, панага, ёмғирдан ҳоли бўлган айвонга чоғди. Айвонга чиқиб, ўғилчасининг орқасига шартиллатиб туширди-да: «Бу нима қилганинг, зум-раша! Ҳамма ёғинг шалаб-бо бўп кетибди-ку?» — деди. Унинг жаҳдан авзойи ўзгариб кетган эди.

Дилшод ойисини яқин орада бундай қиёфада кўрмаган эди. Кўркув ва хайратдан кўзлари олақула бўлиб ойисига тикилди. Бунинг устига, ойисининг гаплари ҳам неғадир ўзгариб чиқди. Ҳаммасидан ҳам мана шуниси уни ўйлантирди.

— Ойижон, — деди Дилшод ботинидан-ботинмайгина. — энди мен шакар эмасманми?

Ўғилчасининг соддадил, хавотирли гапларини эшитиб, ойиси бирдан эниб тушди.

— Нега ундай дейсан, болагинам! — деди чиройи ёришиб. — Сен ҳалиям шакарсан! Менинг шакартойимсан!

Сўнг ўғилчасининг нам тортган кийимларининг алмаштириш учун устидан битта-битта ечиб олар экан, гўё ўзига-ўзи гапирётгандай бир тарзда:

— Шакарсанки, шунинг учун ёмғирга ишона олмадим-да, болакайим, сени, — деди.

Дилшод ҳамон ойижонининг шакари эканлигини билгач, кўнгли жойига тушди. Лекин нега ойисини ўзини ёмғирга ишонмаганлигини ўйлаб, ҳеч ўйига етолмади ва боши қотди.

Эҳ, дунё шундай сирлики, ойиларнинг қалби шу қадар топишмоқди, ҳамма нарсани бирдан тушуниб бўлмас экан...

Михли САФАРОВ.

Жаҳон ҳафта ичида



Рашк учун беш йил

Мексикада қабул қилинган янги қонун ўта рашкчи эркакларни жазолашни кўзда тутади. Ажаблანарлиси, хотинининг хатти-ҳаракатларини бефарқ қолдирган эркакларга ҳам ушбу жазо-лар татбиқ этилиши режалаштирилган.

Мексика қонунчилиги эндиликда «рашкчи» ва «бефарқ» каби жиноий атамалар билан бойиди. Ушбу қонун аёлларни қундалик мажбурлашлардан ҳимоя қилишни мақсад қилиб олган. Статистик маълумотларга кўра, нобуд бўлаётган мексикалик аёлларнинг 75 фоизи ўз эрларининг қўлларидан ҳимоя бўлар экан. Прокурор Алисия Перес Дуартенинг фикрлашича, рашк, бефарқлик ёки лоқайдлик аёлларга нисбатан қилинаётган кичик жиноятлар сирасига киради. Дарвоқе, рашкчи ёки бефарқ эркакларни беш йил қамоқ жазоси қутади.



Йилнинг энг яхши фильми

Мартин Скорсези режиссёрлик қилган «Муртадлар» фильми Америка киноакадемияси томонидан йилнинг энг яхши фильми деб тан олинди.

Ушбу драмада Жек Николсон, Мэтт Дэймон, Мартин Шин, Леонардо ди Каприо, Алек Болдуин ва Марк Уолберг сингари кино юлдузлар суратга тушишган. Кизиги шундаки, Мартин Скорсезининг номи бундан олдин ҳам етти мартаба «Оскар»га номзодлар орасида қайд қилинган, аммо уларнинг биронтасида ҳам омад кулиб боқмаганди. У ушбу фильм учун «Энг яхши режиссёр» номинациясида ҳам голиб деб топилди.

Умуман олганда, картина беш йўналишда «Оскар»га даъвогарлик қилган бўлса, уларнинг тўрттасида энг яхши, деб тан олинди.



Нобел учун 181 даъвогар

2007 йилги Тинчлик бўйича Нобел мукофоти учун 181 та номзод қайд этилди. Гарчи номзодлар ҳақидаги маълумотлар ошкор қилинмаслиги қатъий тартиб остига олинган бўлса-да, баъзи номзодлар ҳақидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида чоп этилмоқда.

Норвегия парламентининг икки нафар аъзоси АҚШнинг собиқ вице-президенти Альберт Гор ва канадалик эскимослар ҳаракатининг фаоли Шейла Ватт-Клутье номзоди илгари суриллаётганини маълум қилган. Улар глобал исҳорга қарши олиб бораётган кураши учун номзодлар орасига киритилган.

2004 йилда Тинчлик мукофотини кенаялик қонун ҳимоячиси Вангари Маатаи атроф-муҳит ҳимоясидаги фаолияти учун қўлга киритган эди.



Грузияда қучли бўрон

Грузияда қучли бўрон содир бўлди. Оқибатда бир неча минг аҳоли электр энергияси таъминотидан узилиб қолди. Табиий офат туфайли бир киши оламдан ўтган.

Носозлик бартараф этилди

Россиялик космонавт Михаил Тюрин ва америкалик астронавт Майкл Лопес-Алегрía «Прогресс М-58» юк кемасида 2006 йилнинг октябрида вужудга келган носозликни бартараф этишди.

Шундай қилиб, улар юк кемасининг Халқаро космик станциядан хавфсиз ажралишини таъминлашга муваффақ бўлишди.

Операция давомида Михаил Тюриннинг скафандрида носозлик мавжудлиги аниқланди. Гап шундаки, космонавт очиқ орбитада бўлган даврида танаси совуб бораётганлигини сезган. Училишлари бошқариш марказидан тарқатилган хабарда космонавтининг скафандридаги сублиматор ишдан чиққанлиги маълум қилинган. Космонавтларнинг сублиматорни тузатиш устидаги ишлари самарасиз туганган. Тюрин ҳозирча бузуқ сублиматорли скафандрида ишлашни давом эттирмоқда.



МАХСУС ТАҚИҚЛОВ

Хитой маъмурияти миллий кўриқхона ва тарихий архитектура ансамбллари жойлашган ҳудудларда фильмлар суратга олишни, тадбирлар уюштирилишини тақиқлади.

Бундай тақиқловга таниқли кинорежиссёр Чэн Кайгэ Юннаннинг Бигу Тяньчи қўлида «Ваъда» фильмининг суратга олиши сабаб бўлган. Унда табиий ландшафтга катта зиён етказилган. Ушанда суратга олиш бригадасига 90 минг юан (11,2 минг доллар) миқдорда жарима солинган. Маҳаллий ҳокимият вакиллари ҳам жазодан қутулиб қолганларича йўқ. Уларга фильмининг суратга олиши рухсат берганликлари учун хайфсан эълон қилинган, дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

«МТ» шифохонаси

МЕВА-САБЗАВОТ САРАТОННИ ДАВОЛАЙДИ

ҳамда консерваланган гўшт маҳсулотлари ўрнига энгил ҳазм бўлувчи ёғлар — кунгабоқар, соя, кунжут, маккажўхори ва зайтун ёғини истеъмол қилиш тавсия этилади. Оғир ҳазм бўлувчи ёғлардан тайёрланган овқатларга кўниқиб қолган кишиларга мушкул бўлса-да, бу турдаги овқатлардан парҳез қилиш тавсия этилади. Қайнатилган ва димланган таомларни,

мева, сабзавот ва кўкатлар, айниқса, саримсоқ пиёзани кўпроқ истеъмол қилиш лозим. Саратон касаллигининг олдини олишда сарик, яшил, қизил-зарғалдоқ рангдаги мева ва сабзавотлар, ўрик, хурмо, ошқоқов, турп, лавлаги, қарам истеъмол қилиш катта аҳамиятга эга.

Манзура ШАМСИЕВА тайёрлади.



Ҳозир саратон касаллигига чалинганлар кўплай учрамоқда, унга чалиниш хавфи эса борган сари ортиб бораёттир. Қандай қилиб бу касалликнинг олдини олиш мумкин?

Биринчи навбатда, қийин ҳазм бўлувчи қўй, мол, чўчка ёғи, сарийғ

Китобхоналарга туҳфа

УМРИ БОҚИЙ АСАР

Ҳинд халқининг пурҳикмат асарларидан ҳисобланган «Калила ва Димна» асари ўзбек китобхоналарига ҳам яхши таниш. Бу ноҳид ижод маҳсулининг ўзбекча таржимаси ўтган асрининг 80-йилларида китобхоналарга тақдим этилган эди.

«Калила ва Димна» ўрта аср Шарқининг буюк олими Абу Райхон Берунийнинг эътиборини ҳам ўзига тортган. Аллома бу асар таржимасидаги нуқсонларни айтиб, ўзи шу асарни қайта таржима қилишга орзуманд эканлигини билдирган. «Бизда «Калила ва Димна» номи билан машҳур бўлган «Панчатантра» китобини таржима қилишни жуда ҳам истар эдим», — деган Беруний.

Ўз муҳлисларини топиб улгурган ушбу асарнинг яқинда қайтадан нашр этилиши кўпчилики мамнун этди. Асарни нашрга тайёрлашда таниқли педагог олим, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби Субутой Долимовнинг ҳиссаси катта бўлди. Форс-тожик тилларидан ўзбек тилига таржима қилинган энг қадимий ёдгорлик асари «Калила ва Димна» бўлиб, унинг ягона нусхаси ҳозир Лондон шаҳридаги Индия Оффис кутубхонасида сақланмоқда.

Ақбар АЛИЕВ.

Advertisement for 'Milliy Tiklanish' newspaper, featuring the logo and contact information.

Advertisement for 'Тахрир ҳайъати' (Editorial Board).

Advertisement for 'ТЕЛЕФОНЛАР' (Phone Numbers) and 'Қабулхона' (Reception).

Advertisement for 'Манзилимиз' (Our Address) and 'Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси'.

Advertisement for 'Газета таҳририят' (Newspaper Editorial) and 'Босишга топшириш вақти'.

Advertisement for 'Газета 014-рақам' (Newspaper 014 issue) and 'Буюртма'.

Advertisement for '«Шарқ» нашриёт-матбаа ақидорлик компанияси'.